O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
OHANGARON TUMANI
HOKIMI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ХОКИМ
АХАНГАРАНСКОГО РАЙОНА
ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ

Q A R O R
Р Е Ш Е Н И Е

"31" 01 2019 y. 102 - son Ohangaron sh.

Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзи юрар машиналар, қишлоқ хўжалиги машиналари, машина-трактор парклари, устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2019 йил учун мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 6 декабр-даги 345-сон "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарни хисобга олиш ва уларнинг техник холатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012й., 50-сон, 559-модда) ва Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарни техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат раками, 2452, 2013 йил 25 апрель), (Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги мулкчилик шаклидан катъий назар (Охангарон туман Мудофаа Ишлари булими, Ички Ишлар бўлими, Миллий хавфсизлик хизматидаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлмаган техникалар бундан мустасно) корхона, ташкилот ва фермер хўжаликларидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техниканинг, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб ускуналарининг йиллик техник кўрикдан ўтказиш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пункти асбоб-ускуналарини 2019 йил учун йиллик техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 2-иловага мувофик тасдиқлансин.

3. Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш жорий йилнинг 1-августига қадар тугатилсин.

4. Ушбу қарор ижросини таъминлаш ва техник кўрикдан ўтказиш учун пул йиғимлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда ундирилишини таъминлаш

3. Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш жорий йилнинг 1-августига қадар тугатилсин.

4. Ушбу карор ижросини таъминлаш ва техник кўрикдан ўтказиш учун пул йигимлари конун хужжатларида белгиланган тартибда ундирилишини таъминлаш туман Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Агросаноат мажмуи ва озик-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси Тошкент вилояти Охангарон туман бўлими бошлиғи Ф. Турғунов зиммасига юклатилсин.

5.Охангарон туман хокимининг 2018 йил 25 мартдаги 474-сон "Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзи юрар машиналар, қишлоқ хўжалиги машиналари, машина-трактор парклари, устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2018 йил учун мажбурий техник кўрикдан ўтқазиш тўғрисида"ги қарори бекор қилинсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Мазкур қарорни бажарилишини назорат килиш туман хокими Қишлок ва сув хўжалиги бўича ўринбосари, Б.Тўйчиев ва Инспекциянинг Охангарон туман бўлими бошлиғи Ф. Турғунов зиммаларига юлатилсин.

Туман ҳокими **Ў.Турсунов**